



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 20 » noyabr

№ 612

Toshkent sh.

Давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тартиб-таомиллари ўхшаш бўлган кўрсатиладиган давлат хизматларини тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари тарқоқлиги, уларнинг тизимлаштирилмаганлиги сабабли аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида нокулайликлар юзага келмоқда.

Давлат хизматлари соҳасидаги қонунчилик хужжатларини тизимлаштириш ва ушбу соҳадаги норматив-хукуқий хукуқий хужжатлар сонини мақбуллаштириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги ПФ–113-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюроқратик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги ПФ–113-сон Фармонида давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларни тизимлаштириш (бирлаштириш) ва уларнинг сонини мақбуллаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламенти** (кейинги ўринларда – Маъмурий регламент) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби;

давлат хизматини кўрсатишда ундириладиган тўловлар тақсимоти;

маълумотномалар бериш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматларининг паспортлари.

3. Белгилансинки, Маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний ва юридик шахслар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – **ЯИДХП**) орқали мурожаат қиласидар.

4. Маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматлари бўйича ваколатли органлар Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда**:

Маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматлари **ЯИДХП** орқали **кўрсатилишини таъминласин**;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида **мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;**

давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур **хужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкларини** тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

ваколатли органлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг **белгиланган тартиби бажарилиши** юзасидан улар фаолияти бўйича, шу жумладан, **ЯИДХП** орқали доимий назорат ўрнатсин;

Маъмурий регламент талабларини бузганлик учун ваколатли органлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини кўлласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “20” ноябрдаги 612-сон қарорига
1-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини қўрсатишнинг ягона
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчилар) айrim турдаги маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) қўрсатиш тартибини белгилайди.

Давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ қўрсатилади.

Регламент қоидалари 2–27-иловаларда келтирилган давлат хизматларини қўрсатиш паспортларида (кейинги ўринларда – паспорт) назарда тутилган маълумотнома турларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Давлат хизматлари белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали маълумотномаларни беришга масъул бўлган ваколатли органлар (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) томонидан қўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда кўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини қўрсатиш тартиби

4. Ариза берувчилар давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб хисобланади.

5. Ариза берувчи шахсан ёки унинг номидан мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равищда сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

6. Паспортларда аризага айрим ҳужжатлар илова қилиниши лозимлиги кўрсатилиши мумкин. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши керак.

7. Ариза берувчидан тегишли маълумотнома тури бўйича паспортларнинг 4-бандида кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Паспорт тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотлар тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчилар ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, паспортни ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

9. Паспортни кўриб чиқиш учун паспортларнинг 5-бандида белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади ҳамда тақсимланади.

Паспортларда давлат хизматлари тезлаштирилган тартибда кўрсатилиши учун қўшимча тўлов назарда тутилади.

Давлат хизматлари кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилган ҳолларда паспортларда белгиланган тўлов суммасининг 90 фоизи ундирилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Давлати хизматлари кўрсатилгани учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

10. Паспортда нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

12. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, тегишли сўровнома Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган паспортларнинг 6-бандида белгиланган муддат ичида сўровномани кўриб чиқиб, тегишли ҳужжатлар (маълумотлар) ушбу Регламент ва паспортларга мувофиқ бўлган тақдирда, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, Давлат хизматлари марказига (шахсан келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

Ариза берувчи томонидан паспортларда назарда тутилган ҳужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда, ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки уларда бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, ваколатли орган ариза берувчига камчиликларни тўлиқ кўрсатган ҳолда уларни бартараф этиш учун беш иш кунидан иборат муддат беради. Давлат хизматларини кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар ариза берувчига бир иш куни ичида юборилиши лозим.

Давлат хизматларини кўрсатиш муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақти давомида тўхтатиб турилади. Камчиликлар бартараф этилиб қайта тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

14. Давлат хизматлари маркази маълумотнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи шахсан келиб мурожаат қилган тақдирда, унга маълумотномани ариза берувчининг сўровига кўра электрон шаклда ёки қофоз шаклда бериши шарт.

15. Ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган маълумотномада нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, ариза берувчи 15 кун ичида йиғим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиш хукуқига эга.

3-боб. Якунловчи қоидалар

16. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

18. Ариза берувчилар ваколатли органлар ходимларининг хатти-харакатлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

19. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишининг ягона маъмурий регламентига
1-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича
давлат хизматларини кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчилар	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келиб ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қиласди.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	1. Марказ ходими сўровномани тўлдириб, ваколатли органга юборади. 2. Тўлдирилган сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақикада 2. Реал вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	1. QR-код (штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва уни Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчига (ЯИДХП орқали мурожаат қилганда) юборади. 2. Маълумотнома расмийлаштиришни рад этади.	Тегишли давалт хизмати паспортининг 6-бандида белгиланган муддатларда
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	QR-код (матрик штрихли код) кўйилган маълумотномани ариза берувчиларга тақдим этади.	10 дақика ичида

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини қўрсатишнинг ягона маъмурий регламентига
2-илова

**Фуқароларнинг Рухий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши
ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизматиноми	Фуқароларнинг Рухий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Коқақалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами. 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи . Йигим миқдори қуидаги тартибда тақсимланади: а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда: 49,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); тегишли Рухий касалликлар диспансери шахсий ҳисобварағига; б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); қолган маблағлар – тегишли Рухий касалликлар диспансери шахсий ҳисобварағига ўтказилади.
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
3-илова

**Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки
турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами. 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан харакат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатгандлик учун ундириладиган йиғим микдори	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи. Йиғим миқдори қуидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>49,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварагига (ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – тегишли Наркология диспансери шахсий ҳисобварагига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварагига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – тегишли Наркология диспансери шахсий ҳисобварагига ўtkaziladi.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
4-илова

Ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизматиноми	Ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахс жисмоний шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Мудофаа ишлари бўлимлари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами. 2. Нотариал тасдикланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан харакат қилинаётган бўлса).</p> <p>Номига ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги маълумотнома бериш сўралаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади), жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), яшаш манзили.</p>
5. Давлат хизматини кўрсатгандик учун ундириладиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	3 иш куни
7. Изоҳ	<p>Куйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахсларга маълумотнома берилмайди:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан навбатдаги чақирув бўйича қабул қилинган қарорга асосан чақирувга оид тадбирлар давом этаётган бўлса;</p> <p>чақирилувчи сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга чақирилган, бироқ шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маҳсус ҳисобварағига тегишли пул бадалларини белгиланган муддатда тўламаган бўлса.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
5-илова

Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизмати номи	Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	<p>Жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон худудида доимий яшовчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мавжуд бўлган чет эл фуқароси (шу жумладан МДҲ давлатлари фуқароси) ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс)</p> <p>Жисмоний шахс ёки унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, эри ёки хотини ва болалари)</p>
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳукуқий статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами. 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан харакат қилинаётган бўлса).</p> <p>Учинчи шахс манфаати учун шартнома (ордер) асосида адвокатлар томонидан мурожаат қилингандан, нотариал тасдиқланган ишончнома талаб этилмайди.</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 фоизи миқдорида Йиғимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон хукumat лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иктисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;</p> <p>қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон хукumat лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иктисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик</p>

	кўмитасидаги махсус хисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); 28,125 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг хисобварағига; қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	2 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
6-илова

Манзил-маълумот ахборотлари тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизмати номи	Манзил-маълумот ахборотлари тўғрисида маълумотнома (манзил-маълумот ахборотларини (доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олингандиги, рўйхатдан чиқкандиги, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олингандиги, шунингдек, маълумот мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот)
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари хузуридаги Манзил-маълумот бюоролари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим микдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 фоизи миқдори. Йигимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда: 18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукumat лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); 20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади; қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади; б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукumat лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); 28,125 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг ҳисобварағига;

	қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	2 иш куни
7. Изоҳ	<p>Ариза берувчилар фақат ўзларига тегишли манзил-маълумот ахборотларини олишлари мумкин. Бошқа шахсларга тегишли манзил-маълумот ахборотлари берилмайди.</p> <p>Давлат хизматини кўрсатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварагига тушган маблағлардан миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ва ходимларни рағбатлантириш мақсадларида фойдаланилади.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида
маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Доимий яшаш жойидаги ички ишлар органи Хорижда доимий яшайдиган шахс учун – консуллик муассасаси
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; вояга етмаган фарзандларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган вақти ва жойи, қариндошлик даражаси; Ўзбекистон Республикасидаги охирги доимий яшаган манзили ва қайси хужжатга асосан чиқиб кетганлиги (хужжат серияси ва рақами); қайси давлат фуқароси ёки қайси чет давлат фуқаролигини қабул қилиш истагида эканлиги.</p> <p>2. Қуйидаги хужжатлар илова қилинади: туғилганик тўғрисидаги гувоҳнома; шахсини тасдиқловчи хужжат; маълумотномада ариза берувчининг вояга етмаган фарзандлари хам кўрсатилганда, уларнинг номидан қонуний вакиллари томонидан имзоланган аризаси; нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим миқдори	<p>Маълумотнома берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.</p> <p>Давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иктисолиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус хисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>50 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;</p> <p>қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети хисобига;</p>

	<p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>50 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;</p> <p>колган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	1 ой
7. Изоҳ	<p>Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига давлат хизматини кўрсатишдан тушган маблағлар вазирликнинг ахборот тизимларининг ишчи ҳолатда бўлишини таъминлашга, моддий-техник базасини янгилашга ва такомиллаштиришга ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.</p> <p>Мазкур паспорт Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали бериш тартибини белгилайди. Консулилк муассасалари орқали ушбу маълумотнома белгиланган тартибда олинади.</p> <p>Ваколатли орган “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали уч иш куни ичидаги сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини текширади.</p> <p>Сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги тасдиқланган тақдирда, ваколатли орган томонидан автоматик тарзда мурожаат этувчига тегишли хабарнома юборилади.</p> <p>1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублик Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг ваколатли органи сўрови бўйича ҳам аниқланиши мумкин.</p> <p>2. Ариза берувчида зарур ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигига нисбатан шубҳа пайдо бўлганда, ички ишлар органи ёки консулилк муассасаси текширув ўтказиш учун тегишли давлат органларига сўровнома юборади. Текширув якунлари бўйича хulosaga берилади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5, 6, 13–16 ва 32–36-моддаларининг талаблари бузилган ҳолда олингандиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси ички ишлар органининг хulosasiga асосан олиб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси олиб қўйилаётган шахс мазкур хulosadan норози бўлган тақдирда, у ўзининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.</p> <p>Хulosalap тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошликлари ёки вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликлари томонидан тасдиқланади.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
8-илова

**Содир бўлган ёнғин тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Содир бўлган ёнғин тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган (лар)	Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг худудий бўлинмалари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:</p> <p>ариза берувчи жисмоний шахс учун: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади)</p> <p>паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари);</p> <p>маълумотнома тили (ўзбек/рус);</p> <p>яшаш манзили;</p> <p>содир бўлган ёнғин объект ҳақидаги маълумотлар (манзил ва тегишлилиги);</p> <p>электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.</p> <p>Ариза берувчи юридик шахс учун:</p> <p>тўлиқ номи;</p> <p>электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;</p> <p>СТИРИ;</p> <p>содир бўлган ёнғин объект ҳақидаги маълумотлар (манзил ва тегишлилиги).</p> <p>2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатгандлик учун ундириладиган йигим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	5 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
9-илова

**Кўчмас мулк бузилишга тушганлиги ёки тушмаганлиги тўғрисида
маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Кўчмас мулк бузилишга тушганлиги ёки тушмаганлиги тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли оғар(лар)	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчи жисмоний шахс учун: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу хақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; кадастр рақами. Ариза берувчи юридик шахс учун: тўлиқ номи; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; СТИРИ; кадастр рақами.</p> <p>2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганик учун ундириладиган йиғим микдори	<p>Базавий ҳисоблаш микдорининг 5 фоизи микдори. Йиғимлар суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварагига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварагига (ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварагига;</p> <p>қолган маблағлар – Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг ҳисобварагига;</p>

	<p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварагига;</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги Курилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварагига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иктисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварагига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг ҳисобварагига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиши муддати	3 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
10-илова

**Соликлар ва йиғимлардан солик қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги
тўғрисида маълумотнома бериши
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Соликлар ва йиғимлардан солик қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчи жисмоний шахс учун: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, у ҳакда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами. Ариза берувчи юридик шахс учун: тўлиқ номи; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; СТИРИ. Ариза берувчи якка тартибдаги тадбиркор учун: тўлиқ номи; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; (ЖШ ШИР маълумотлари).</p> <p>2. Солик объектигининг кадастр ракамлари.</p> <p>3. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатгандик учун ундириладиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	Давлат хизмати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитасининг расмий веб-сайти орқали ҳам кўрсатилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини қўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
11-илова

Туар жойнинг майдони тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизматиноми	Туар жойнинг майдони тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган (лар)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчи жисмоний шахс учун: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу хақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; объектнинг кадастр рақами. 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	3 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
12-илова

**Фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги
тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизматини номи	Фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахс
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшаш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон раками; маълумотноманинг худуд кесимида ёки республика бўйича бўлиши; объект жойлашган манзил; маълумотнома даври (жорий ҳолат ёки охирги 10 йиллик давр). 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан харакат килинаётган бўлса). Номига маълумотнома бериш сўралаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумотлар кўрсатилади), жисмоний шахснинг шахсий идентификация раками (ЖШ ШИР) ва яшаш манзили.</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим микдори	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 фоизи миқдорида Йигимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади: а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>колган маблағларнинг 80 фоизи Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази ҳисобварағига;</p> <p>20 фоизи тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг ҳисобварағига;</p>

	<p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳуқумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Икътисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағларнинг 80 фоизи Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг ҳисобварағига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	3 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
13-илова

**Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида
маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/rus); яшап манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон раками; кўчмас мулкнинг кадастр раками.</p> <p>2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганилик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 фоизи миқдорида Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукumat лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>колган маблағларнинг 40 фоизи “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига, 40 фоизи Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармалари ҳисобварағига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;</p>

	<p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон хукумат лойихаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварафига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағларнинг 40 фоизи “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварафига, 40 фоизи Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳисобварафига, 20 фоизи тегишилиги бўйича Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳисобварафига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	З иш куни
7. Изоҳ	<p>Бино ва иншоотларнинг мансублиги ва таркиби тўғрисида маълумотномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:</p> <ul style="list-style-type: none">бино ва иншоотларнинг жойлашган манзили;бино ва иншоотларнинг кадастр рақами;бино ва иншоотларнинг турар жой ёки нотурар жойлиги;бино ва иншоотларнинг умумий майдони;бино ва иншоотларнинг умумий яшаш майдони;бино ва иншоотларнинг ҳуқуқ эгаси (эгалари);бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар тури;бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни белгиловчи хужжат номи, рақами, санаси;чекланиш мавжудлиги;бино ва иншоотларнинг кадастр қиймати.

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини қўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
14-илова

Йўқолган ашёниг топилмаганлиги тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизмати номи	Йўқолган ашёниг топилмаганлиги тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчи жисмоний шахс учун: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); ашёниг йўқолганлиги хақида хабар берилган ариза рақами; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами. Ариза берувчи юридик шахс учун: тўлиқ номи; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; СТИРи; ашёниг йўқолганлиги хақида хабар берилган ариза рақами. 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса). Номига маълумотнома бериш сўралаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади), жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) ва яшаш манзили.</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим миқдори	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдори. Йиғим қуйидагича тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилинганда: 0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисоб рақамига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); қолган маблағлар – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварагига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда: 11,75 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварагига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p>

	<p>қолган маблағлар – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг хисобварағига хисобварағига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	1 иш куни
7. Изоҳ	<p>1. Паспорт қоидалари жиноят ва маъмурий ҳукуқбузарлик оқибатида йўқолган ашёларга нисбатан татбиқ этилмайди.</p> <p>2. Йўқолган ашё эгаси ёки унинг яқин қариндошлари (эри ёки хотини, фарзандлари, неваралари, ака-ука ва опа-сингиллари) йўқолган ашёларини топиш бўйича нотариал тасдиқланган ишончномасиз мурожаат қилиши мумкин.</p> <p>3. Йўқолган ашёнинг топилмаганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун аввал йўқотилганлик ҳақида хабар бериш хизматидан фойдаланиш талаб этилади.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
15-илова

**“Автомобиль тарихи” ҳақида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизматиноми	“Автомобиль тарихи” ҳақида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:</p> <p>ариза берувчи жисмоний шахс учун: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси; автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома маълумоти (серияси ва рақами).</p> <p>Ариза берувчи юридик шахс учун: тўлиқ номи; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; СТИРи; автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси; автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома маълумоти (серияси ва рақами).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдори. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказига келиб, веб-сайтлар ёки бошқа онлайн платформалар орқали мурожаат этилганда:</p> <p>40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;</p> <p>40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларни рафбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p>

	<p>30 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамгармасининг шахсий ҳисобварағига;</p> <p>30 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларни рагбатлантириш ва мукофотлаш жамгармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамгармасининг Электрон ҳукумат ва раками иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Автоматик тарзда (реал вакт режимида)
7. Изоҳ	<p>1. “Автомобиль тарихи” ҳақидаги маълумотлар автотранспорт воситасига доир қўйидаги ахборотларни ўз ичига олади:</p> <p>автотранспорт воситасининг агрегат маълумотлари (давлат раками белгиси, давлат рўйхатидан ўтказилган сана, русуми (модели), ишлаб чиқарилган йили, тури, кузов (шасси) рақами, тўла (юксиз) вазни, двигатель рақами ва қуввати, ёнилги тури, ранги, ўриндиклар сони, алоҳида белгилари ёки ўзгарган агрегат маълумотлари (мавжуд бўлса); босиб ўтган масофаси (мавжуд бўлса);</p> <p>фуқаролик-хуқуқий шартнома (битим)лар тузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (ишончнома, ижара, ҳадя, мерос, олди-сотди шартномаси ва бошқалар);</p> <p>йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганлиги (мавжуд бўлса);</p> <p>автотранспорт воситаси иштирокида содир этилган қоидабузарликлар (мавжуд бўлса);</p> <p>автотранспорт воситасининг гаровда эканлиги ҳақидаги (мавжуд бўлса);</p> <p>автотранспорт воситасига нисбатан такиқ мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;</p> <p>божхона расмийлаштирувидан ўтган сана тўғрисидаги маълумот (агар божхона расмийлаштирувидан ўтган бўлса);</p> <p>автотранспорт воситасига йўловчи ташиш бўйича лицензия варақаси олинганлиги (олинмаганлиги) ҳақидаги маълумотлар.</p> <p>Ваколатли орган манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда “Автомобиль тарихи” ҳақидаги маълумотлари қўшимча маълумотлар киритиши мумкин.</p> <p>2. Ариза берувчи томонидан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган исталган “Автомобиль тарихи” ҳақидаги маълумотларни олишга йўл қўйилади, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи, мудофаа ва давлат хавфсизлик хизмати соҳасидаги, шунингдек, хуқукни муҳофаза қилувчи органларга тегишли автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно.</p>

**“Автомобиль тарихи” хақида
МАЪЛУМОТНОМА***

I. Автотранспорт воситасининг агрегат маълумотлари:

1. Давлат рақами белгиси
2. Давлат рўйхатидан ўтказилган сана
3. Русуми/модели
4. Ишлаб чиқарилган йили
5. Тури
6. Кузов/шасси рақами
7. Тўла вазни
8. Юксиз вазни
9. Двигатель рақами
10. Двигатель қуввати
11. Ёнилғи тури
12. Ранги
13. Ўтирадиган жойлар сони
14. Босиб ўтган масофаси: (ҳар бир техник кўрикдаги маълумотлар санаси билан алоҳида қўрсатилади)
15. Алоҳида белгилари (мавжуд бўлса)
16. Ўзгарган агрегат маълумотлари (мавжуд бўлса)**

**II. Фуқаролик-хукуқий шартнома (битим)лар тузилганлиги
(мавжуд бўлса):**

1. Шартнома (битим) тури (ишончнома, ижара, ҳадя, олди-сотди шартномаси, мерос ва ҳоказолар) шахсий маълумотлар кўрсатилмаган ҳолда
2. Шартнома (битим) тузилган сана ва муддати;
3. Шартнома (битим) холати (фаол, бекор бўлган)

**III. Содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида маълумот
(мавжуд бўлса)**

1. Йўл-транспорт ҳодисаси фотосурати (мавжуд бўлса)
2. Йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган сана ва жой
3. Йўл-транспорт ҳодисасини қайд қилган орган (ЙХХБ ёки сугурта ташкилоти) маълумотлари

**IV. Автотранспорт воситаси иштироқида содир этилган
қоидабузарликлар**

1. Қоидабузарлик тури
2. Жарима миқдори ва унинг тўланган ёки тўланмаганлиги тўғрисида маълумот

**V. Автотранспорт воситасига нисбатан тақиқ мавжуд ёки мавжуд
эмаслиги тўғрисида маълумот**

1. Тақиқ қўйган ваколатли орган
2. Тақиқ қўйилган сана

3. Тақиқ қўйиш сабаби	
4. Тақиқ ҳолати	
VI. Автотранспорт воситасининг гаровда эканлиги ҳақидаги маълумот	
1. Гаровга олган ваколатли орган	
2. Гаровга олинган сана	
3. Гаровга олиш сабаби	
4. Гаров ҳолати	
VII. Автотранспорт воситасига йўловчи ташиш учун лицензия варақаси расмийлаштирилганлиги ҳақидаги маълумот	
1. Лицензия варақаси тури	
2. Лицензия варақаси берилган вақт ва муддати	
VIII. Божхона расмийлаштирувига оид маълумотлар	
Автотранспорт воситаси божхона расмийлаштирувидан ўтган сана тўғрисидаги маълумотлар	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
16-илова

Мавзули сўровлар тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизмати номи	Мавзули сўровлар тўғрисида маълумотнома															
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар															
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Ўзархив” агентлигининг худудий давлат архивлари															
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳакда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; архив идораси жойлашган вилоят ва туман; сўралаётган архив хужжатлари тўғрисидаги маълумотлар (хужжат номи, хужжатнинг мазмуни (батафсил кўрсатилиши лозим), қайси орган томонидан қабул қилинган (имкон қадар), санаси ва рақами (имкон қадар), кўшимча маълумотлар (агар бўлса). 2. Ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда ишончнома, ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан меросхўр бўлганда ворислик ҳақидаги гувоҳнома, ариза берувчи қонуний вакил бўлса, уни тасдиқловчи хужжат, сўралаётган хужжатнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса), чегирмалардан (имтиёзлар) фойдаланиш учун тегишли хужжатлар нусхаси.</p>															
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим миқдори	<p>Мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизмати кўрсатилганлиги учун ундириладиган йигим миқдорлари</p> <table border="1"><thead><tr><th>Мавзули сўровлар тури</th><th>Ўлчов бирлиги</th><th>Йигим миқдори</th></tr></thead><tbody><tr><td>Алоҳида фактлар, воқеалар, маълумотларни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича мавзули сўровларни бажариш</td><td>1 та маълумотнома</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари</td></tr><tr><td>Турар жойлар бўйича маълумотномалар тайёрлаш</td><td>1 та маълумотнома</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари</td></tr><tr><td>Мулкий хуқуқларни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича сўровларга архив хужжатидан нусха бериш (бир шахс учун)</td><td>1 та маълумотнома</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари</td></tr><tr><td>Эвакуацияни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича сўровларнинг архив маълумотномасини бериш</td><td>1 та маълумотнома</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари</td></tr></tbody></table>	Мавзули сўровлар тури	Ўлчов бирлиги	Йигим миқдори	Алоҳида фактлар, воқеалар, маълумотларни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича мавзули сўровларни бажариш	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари	Турар жойлар бўйича маълумотномалар тайёрлаш	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари	Мулкий хуқуқларни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича сўровларга архив хужжатидан нусха бериш (бир шахс учун)	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари	Эвакуацияни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича сўровларнинг архив маълумотномасини бериш	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари
Мавзули сўровлар тури	Ўлчов бирлиги	Йигим миқдори														
Алоҳида фактлар, воқеалар, маълумотларни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича мавзули сўровларни бажариш	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари														
Турар жойлар бўйича маълумотномалар тайёрлаш	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари														
Мулкий хуқуқларни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича сўровларга архив хужжатидан нусха бериш (бир шахс учун)	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари														
Эвакуацияни аниқлаш (тасдиқлаш) бўйича сўровларнинг архив маълумотномасини бериш	1 та маълумотнома	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари														

	<p>Давлат хизмати тезлаштирилган тартибда кўрсатилганда мазкур бандларда белгиланган миқдорда 50 % қўшимча ҳақ ундирилади.</p> <p>Йифимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – “Ўзархив” агентлиги тизимидағи давлат хизматини кўрсатган давлат архивининг ҳисобварағига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган йифимлар суммаси – давлат хизматини кўрсатган давлат архивининг ҳисобварағига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	20 иш куни Давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш – 2 иш куни
7. Изоҳ	<p>1. Сўровномада сўралаётган маълумотлар тегишли давлат архивида мавжуд бўлмагандан, сўровномани қабул қилган архив 2 иш куни мобайнида маълумот сакланаётган давлат архивини аниқлайди ва сўровномани тегишлилиги бўйича давлат архивларига юборади.</p> <p>2. Сўровнома архив хужжатлари асосида кўриб чиқилиб, тегишли маълумот аниқланмаган тақдирда, тўланган йифим миқдори ариза берувчига қайтарилмайди.</p> <p>Агар давлат хизматини тезкор бажариш бўйича ариза берувчи томонидан кўрсатилган барча шартлар бажарилгандан сўнг масъул давлат архиви томонидан икки иш кунида давлат хизмати кўрсатилмаса, белгиланган нархга тўланган 50 фоиз қўшимча ҳақ 2 иш куни давомида масъул давлат архивининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қайтарилади.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
17-илова

**Олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқлаш
ҳақида архив маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизматиноми	Олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари (эри ёки хотини, фарзандлари, неваралари, aka-ука ва опа-сингиллари)
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Ўзархив” агентлигининг ҳудудий давлат архивлари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	1. Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; архив идораси жойлашган вилоят ва туман; ариза берувчининг ўқиганлиги тўғрисидаги маълумотлар (ўқишига қабул қилинган сана, ўқиши тутатилган сана, таълим муассасининг ўқиган даврдаги номи, таълим муассасининг ҳозирги номи (агар мавжуд бўлса). 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундирилайдиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	5 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
18-илова

**Иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномасини бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи:	Иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси:	Жисмоний шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари (эри ёки хотини, фарзандлари, неваралари, ака-ука ва опа-сингиллари)
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган (лар):	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Ўзархив” агентлигининг худудий давлат архивлари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар:	<p>1. Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; ариза берувчининг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар: иш жойи ва лавозими; ишга қабул қилинганлиги бўйича буйруқ рақами ва санаси; меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги бўйича буйруқ рақами ва санаси; иш ҳақини тасдиқлаш лозим бўлган йиллар; ишлаган ташкилотнинг юқори турувчи органи номи (агар мавжуд бўлса); ташкилотнинг номи ўзгарганлиги тўғрисида маълумот (агар мавжуд бўлса); ҳомиладорлик ва туғиш таътил йиллари. 2. Нотариал тасдиқланган ишончнома (агар ишончли вакил томонидан ҳаракат қилинаётган бўлса).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори:	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати:	Иш стажини тасдиқлашга оид маълумотномалар учун – 5 иш кунидан , иш ҳақини тасдиқлашга оид маълумотномалар учун – 20 иш кунидан ошмаган муддатда
7. Изоҳ:	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
19-илова

Кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизматиноми	Кам таъминланган деб эътироф этилганлик маълумотномаси
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли оргар(лар)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиши учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳакда маълумотлар кўрсатилади) паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус).
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	Маълумотнома ўн икки ой давомида амал қиласи.

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
20-илова

**Пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги хақида
маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизматиноми	Пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги хақида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид куйидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳакда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.
5. Давлат хизматини кўрсатганик учун ундириладиган йигим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
21-илова

**Пенсия ва нафақа миқдори тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизматиноми	Пенсия ва нафақа миқдори тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); бошлангич давр; якуний давр; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
22-илова

Статистика маълумотларини тақдим этиш ПАСПОРТИ

1. Давлат хизмати номи	Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ҳолатини акс эттирувчи расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ тайёрланадиган йиғма статистика маълумотларини тақдим этиш
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:</p> <p>ариза берувчи жисмоний шахс учун:</p> <p>ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу хақда маълумотлар кўрсатилади);</p> <p>паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари);</p> <p>сўраклаётган статистика маълумотлари бўйича талаб (номи, даври ва бошқалар);</p> <p>маълумотнома тили (ўзбек/рус);</p> <p>электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.</p> <p>Ариза берувчи юридик шахс учун:</p> <p>тўлиқ номи;</p> <p>ташкилий-хукукий шакли;</p> <p>электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;</p> <p>пошта манзили;</p> <p>СТИРи;</p> <p>банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва ҳисобварафи);</p> <p>сўраклаётган статистика маълумотлари бўйича талаб (номи, даври ва бошқалар).</p> <p>2. Юридик ва жисмоний (жисмоний шахс бўлганда нотариал тасдиқланган ишончнома) шахс вакиллари учун ишончома.</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>Сўровномага асосан тақдим этиладиган ҳар бир статистика маълумотини шакллантириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи.</p> <p>Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иктисолиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварафига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – ваколатли органга;</p>

	<p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иктисадиёт ва молия вазирлиги Газначилик қўмитасидаги маҳсус ҳисобварагига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – ваколатли органга ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	<p>Етти иш куни (икки иш кунидан ошмаган муддатда сўровномага кўра маълумотнинг мавжудлиги ва қийматини маълум қиласи ҳамда тўлов амалга оширилгандан сўнг беш иш кунидан ошмаган муддатда сўралган маълумотларни тақдим этади).</p>
7. Изоҳ	<p>Давлат хизмати доирасида статистика дастури ва статистика фаолиятида юритиладиган статистик таснифлагичлар асосида шакллантириладиган статистика маълумотлари, шунингдек, очик манбаларда эълон қилинадиган маълумотларни тақдим этилади.</p> <p>Куйидаги ҳолатлар давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади:</p> <p>таркибида давлат сирлари ва қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган, шунингдек, индивидуал маълумотларни сўраш;</p> <p>шакллантирилиши статистика дастурида назарда тутилмаган ёки шакллантириш муддати ҳали келмаган статистика маълумотларини сўраш.</p> <p>Ушбу Паспорт Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида вазирликлар ва идоралар, корхоналар, ташкилот ва муассасаларга белгиланган тартибда ва статистика дастурида белгиланган муддатларда тақдим этиладиган статистика маълумотларига, шунингдек, ваколатли органга бевосита ёки бошқа манбалар орқали келган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурӣ регламентига
23-илова

**Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри
тўғрисида маълумот тақдим этиш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (кейинги ўринларда — КТЯДР) базасидан маълумотларни тақдим этиш
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:</p> <p>ариза берувчи жисмоний шахс учун:</p> <p>ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади);</p> <p>паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари);</p> <p>маълумотнома тили (ўзбек/рус);</p> <p>электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.</p> <p>Ариза берувчи юридик шахс учун:</p> <p>тўлик номи;</p> <p>ташкилий-хукукий шакли;</p> <p>электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;</p> <p>жойлашган жойи (пошли манзили);</p> <p>СТИРи;</p> <p>банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва ҳисобвараги).</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>КТЯДР базасидан ҳар бир ташкилот бўйича тақдим этиладиган маълумотлар учун:</p> <p>ташкилот сони 100 тагача бўлганда, БҲМнинг 0,1 фоизи миқдорида;</p> <p>ташкилот сони 100 тадан 10 000 тагача бўлганда, БҲМнинг 0,02 фоизи миқдорида;</p> <p>ташкилот сони 10 000 тадан ортиқ бўлганда, БҲМнинг 0,01 фоизи миқдорида.</p> <p>Йиғимлар суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:</p> <p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда:</p> <p>18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – ваколатли органга;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p>

	<p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойихаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – ваколатли органга ўтказилади.</p>										
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	<p>Уч иш куни (тўлов амалга оширилгандан сўнг)</p>										
7. Изоҳ	<p>КТЯДР базасида давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик шахслар тўғрисидаги маъмурий маълумотларидан фойдаланган ҳолда, статистика таснифлагичларига асосан шакллантирилган рўйхат асосида маълумотлар тақдим этилади.</p> <p>маъмурий маълумотлар – давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ шакллантириладиган маълумотлар;</p> <p>таснифлаш – расмий статистика соҳасида қабул қилинган усуслар ва белгиларга мувофиқ объекtlар тўпламини ўхшашлиги ёки фарқи бўйича алоҳида кичик тўпламларга ажратиш.</p> <p>Қуйидаги таснифлагичлар ёрдамида тегишли ташкилотнинг хусусиятлари тўғрисида зарур маълумотлар шакллантирилади:</p> <p>иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига мувофиқ ташкилот амалга оширадиган иқтисодий фаолият тури;</p> <p>маъмурий-худудий объектни белгилаш тизимига (кейинги ўринларда – МҲОБТ) мувофиқ ташкилот жойлашган худуд;</p> <p>ташкилий-хукуқий шакллар таснифлагичига мувофиқ ташкилотнинг ташкилий-хукуқий шакли.</p> <p>КТЯДР бўйича маълумотларни тақдим этиш хизмати доирасида қуйидаги рўйхат асосида маълумотлар олиниши мумкин.</p> <p style="text-align: center;">Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри бўйича маълумотларни тақдим этиш хизмати доирасида тақдим этиладиган маълумотлар РЎЙХАТИ</p> <table border="1"><thead><tr><th>Маълумот номи</th><th>Маълумотнинг таснифи</th></tr></thead><tbody><tr><td>Ташкилот номи</td><td>Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахснинг индивидуал номи.</td></tr><tr><td>Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</td><td>Солиқ органлари томонидан юридик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига бириктириладиган тақрорланмайдиган рақам.</td></tr><tr><td>Ташкилотнинг асосий иқтисодий фаолият тури</td><td>Ташкилот қўшимча қиймат ҳажмида ҳиссаси юкори бўлган фаолиятнинг Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичга қўра коди. Мазкур код рўйхатдан ўтиш вақтида белгиланади ва йиллик статистика ҳисботларига асосан ўзгартирилиши мумкин.</td></tr><tr><td>Маъмурий-худудий</td><td>МҲОБТ коди давлат рўйхатидан ўтиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс томонидан</td></tr></tbody></table>	Маълумот номи	Маълумотнинг таснифи	Ташкилот номи	Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахснинг индивидуал номи.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	Солиқ органлари томонидан юридик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига бириктириладиган тақрорланмайдиган рақам.	Ташкилотнинг асосий иқтисодий фаолият тури	Ташкилот қўшимча қиймат ҳажмида ҳиссаси юкори бўлган фаолиятнинг Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичга қўра коди. Мазкур код рўйхатдан ўтиш вақтида белгиланади ва йиллик статистика ҳисботларига асосан ўзгартирилиши мумкин.	Маъмурий-худудий	МҲОБТ коди давлат рўйхатидан ўтиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс томонидан
Маълумот номи	Маълумотнинг таснифи										
Ташкилот номи	Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахснинг индивидуал номи.										
Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	Солиқ органлари томонидан юридик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига бириктириладиган тақрорланмайдиган рақам.										
Ташкилотнинг асосий иқтисодий фаолият тури	Ташкилот қўшимча қиймат ҳажмида ҳиссаси юкори бўлган фаолиятнинг Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичга қўра коди. Мазкур код рўйхатдан ўтиш вақтида белгиланади ва йиллик статистика ҳисботларига асосан ўзгартирилиши мумкин.										
Маъмурий-худудий	МҲОБТ коди давлат рўйхатидан ўтиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс томонидан										

	объектни белгилаш тизими коди (<i>МҲОБТ</i>)	сўровнома шакллантирилганда кўрсатилган манзилига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан биритирилади.
	Жойлашган жойи (<i>пошли манзили</i>)	Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс томонидан сўровнома шакллантирилганда кўрсатилган манзил ҳисобланади.
	Телефон рақами (<i>мавжуд бўлса</i>)	Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс томонидан сўровнома шакллантирилганда кўрсатилган телефон рақами.
	Электрон пошли манзили (<i>мавжуд бўлса</i>)	Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун юридик шахс томонидан сўровнома шакллантирилганда кўрсатилган электрон пошли манзили.
	Ташкилотнинг ташкилий-хуқуқий шакли бўйича коди ва номи (<i>ТҲИЛТ</i>)	Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига мувофиқ ташкилотлар тузилиши мумкин бўлган шаклнинг (тижорат (масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва бошқалар), нотижорат (муассаса, жамоат фонди, жамоат бирлашмаси ва бошқалар) коди бўлиб, юридик шахсларнинг таъсис хужжатлари асосида рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан белгиланади.
	Рўйхатдан ўтказувчи орган номи	Конунчиликда белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказувчи органлар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
	Давлат рўйхатидан ўтказилган сана	Юридик шахс ташкил этилган сана
	Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Юридик шахс давлат рўйхатдан ўтказилган реестр рақами
	Кичик тадбиркорлик субъектига мансублиги	Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 24 августдаги 275-сон қарорига 1-иловага мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар.
	Фаоллик ҳолати	Фаолият кўрсатаётган, фаолият кўрсатмаётган ва тугатилган юридик шахсларнинг ҳолати
	Устав фонди	Тижорат ташкилотларида улушларга ёки муассисларнинг акцияларига бўлинган фонд.
	Таъсисчилар	Юридик шахсларнинг таъсисчилари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслар.
	Рахбар	Корхона ва ташкилотда ижро этувчи органи функциясини амалга ошираётган жисмоний шахс

	<p>Бунда маълумотлар юридик шахсларнинг фаоллик ҳолати (фаолият кўрсатаётган, фаолият кўрсатмаётган ва тугатилган) бўйича такдим этилади.</p> <p>Фойдаланувчилар бевосита ваколатли органнинг ахборот ресурслари ёрдамида реал вақт режимида сўралаётган алоҳида юридик шахснинг СТИР рақамини киритиб, мазкур бандда келтирилган маълумотларни бепул олишлари мумкин.</p>
--	--

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
24-илова

**Доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтиб яшовчилар тўғрисида
маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтиб яшовчилар тўғрисида маълумотнома олиш
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган (лар):	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон раками; кадастр раками; доимий яшаш манзили.
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
25-илова

**“Кредит тарихи” тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Кредит тарихини олиш
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	“Кредит бюоролари”
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами; доимий рўйхатдан ўтган манзили.
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим микдори	Бир йил ичida биринчى марта хизматдан фойдаланиш – бепул, кейингилари учун – БХМнинг 5 фоизи микдори. Йигимлар суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади: а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда: 18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 0,5 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); қолган маблағлар – ваколатли органга; б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун); қолган маблағлар – ваколатли органга ўтказилади.
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати:	Реал вақт режимида
7. Изоҳ:	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
26-илова

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан
архив маълумотномалари бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Фуқаролик ҳолати далолатномалари архив маълумотномалари (туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажралиш, ўлим, ёлғиз она, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва отасининг исми ўзгартирилганлиги, маълумотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ва бошқа маълумотлар)
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий адлия бошқармалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш архивлари
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	<p>1. Сўровномада шахсга оид қуидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу ҳақда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); яшааш манзили; электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.</p> <p>2. Ҳужжат сўралаётган шахснинг маълумотлари: фамилияси, исми, отасининг исми; маълумотнома тури (туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажралиш, ўлим, ёлғиз она, оталикни белгилаш, маълумотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ва бошқа маълумотлар); далолатнома ёзуви қайд этилган йил ва сана: талаб этилаётган маълумотлар қайд этилиши мумкин бўлган давр; далолатнома ёзуви қайд этилган худуд (худуд номи ёки республика миқёсида).</p> <p>3. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар: учинчи шахслар манфаатида ҳаракат қилинаётганда – нотариал тасдиқланган ишончнома (чет элда яшовчи фуқаро томонидан берилган ҳамда чет тилида тузилган ишончнома белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган бўлиши лозим); тегишли ҳолатларда марҳумга қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; қонуний вакил бўлса, буни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси. Паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси “Электрон ҳукумат” тизими идоралароро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.</p>
5. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ундириладиган йигим микдори	Базавий хисоблаш микдорининг 5 фоизи микдори. Йигимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади:

	<p>а) Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этилганда – йиғим Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;</p> <p>б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:</p> <p>11,75 фоизи – Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати кўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига (шу жумладан 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);</p> <p>қолган маблағлар – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.</p>
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	2 иш куни
7. Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
27-илова

**Доимий яшаш жойи тўғрисида маълумотнома бериш
ПАСПОРТИ**

1. Давлат хизмати номи	Доимий яшаш жойи тўғрисида маълумотнома
2. Давлат хизматидан фойдаланувчилар тоифаси	Жисмоний шахслар
3. Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган(лар)	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
4. Давлат хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган маълумотлар	Сўровномада шахсга оид куйидаги маълумотлар кўрсатилади: фамилияси, исми ва отасининг исми (ўзгарган бўлса, бу хақда маълумотлар кўрсатилади); паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (ЖШ ШИР маълумотлари); маълумотнома тили (ўзбек/рус); электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами.
5. Давлат хизматини кўрсатганик учун ундириладиган йиғим миқдори	Бепул
6. Давлат хизматини кўрсатиш муддати	Реал вақт режимида
7. Изоҳ	

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “20” ноябрдаги 612-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги 797-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солик хизмати соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 13 октябрдаги 823-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 2-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва нотариал органлар соҳасида ҳамда расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 15 февралдаги 134-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси ҳамда қарорга 2-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарори)” 2019 йил 2 июлдаги 548-сон қарорига илованинг 23 ва 24-бандлари.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 270-банди “б” кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига 4-илованинг 3-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тиббиёт муассасалари томонидан фуқароларга маълумотномалар бериш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 январдаги 18-сон қарорининг 3-банди ва қарорга 1-2-иловалар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 23 майдаги 327-сон қарори 1-бандининг учинчи–тўртинчи хатбошилари ҳамда қарорга 3-4-иловалар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Судланганлик ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 31 январдаги ПФ–5930-сон Фармони)” 2020 йил 8 июндаги 364-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 19 августдаги 495-сон қарори 1-бандининг иккинчи–учинчи хатбошилари ҳамда қарорга 1-2-иловалар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айrim давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарори 1-бандининг олтинчи ва саккизинчи хатбошилари ҳамда қарорга 5 ва 56-иловалар.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 63-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига 2-илованинг 12-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси ҳамда қарорга 2-илова.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди иккинчи-олтинчи хатбошилари ҳамда ниозмга 1а-илова.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 41-банди, 44-банднинг “б” кичик банди ва 63-банд.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги 28-сон қарори билан тасдиқланган Йўқолган ашёларни давлат хизматлари марказлари томонидан қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-23-бандлари ҳамда низомга 5-илова.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль тарихи” маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 9 мартдаги 106-сон қарорининг 3-банди ва қарорга илова.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Конуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 529, 532-бандлари, 569-банднинг “б” кичик банди, 766-банд, 841-банднинг “в” ва “г” кичик бандлари, 882-банднинг “а” ва “б” кичик бандлари, 901-банднинг “д” кичик банди.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Курилиш соҳасига оид ягона маъмурий курилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори 1-бандининг саккизинчи хатбошиси ҳамда қарорга 7-илова.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 майдаги 255-сон қарорига 3-илованинг 12-банди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва унинг асосида давлат хизматини кўрсатишга оид норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 539-сон қарори 2-бандининг “б” кичик банди ҳамда қарорга 2-илова.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 541-сон қарорига илованинг 11 ва 12-бандлари, 14-банднинг “б” кичик банди, 21-банди, 23-банднинг “б” ва “в” кичик бандлари, 24-банднинг “а” ва “б” кичик бандлари, 25-банднинг “г” кичик банди, 38-банднинг “в” кичик банди ҳамда 49-банднинг “ж” кичик банди.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқларнинг ҳисобини юритишида шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айrim маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 18 октябрдаги 610-сон қарорига 2-илова 8-банднинг “а” кичик банди бешинчи–олтинчи хатбошилари ва “д” кичик банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 27 октябрдаги 623-сон қарорига илованинг 8-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 24 ноябрдаги 672-сон қарори.

